

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

№ 18 (1535)

9 МАЙ —
ХОТИРА ВА
ҚАДРЛАШ КУНИ



ХОТИРА — АЗИЗ, ЖАСОРАТ — МАНГУ!

9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда фашизм устидан қозонилган шонли ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатишга йўналтирилган кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда. Ўтмиш авлодларнинг жасорати ва фидокорлигига юксак эҳтиром руҳида ташкил этилаётган бу каби учрашув ва йўқловлар орқали бугунги кун ёшлари қалбида ватанпарварлик

туйғусини мустақкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборли.
Таъкидлаш жоиз, “Фахрийлар доим эъзозда” шиори асосида ўтказилаётган тадбирлар орқали жасорат, фидойилик, сабр ва матонат сабоқлари ёш авлод онгига синдириляпти. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида жонбозлик кўрсатган фидойилар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг хонадонларида уюштирилаётган самимий суҳбатлар, маҳаллий депутатлар, жамоатчилик вакиллариининг фаол иштирокида ўтмоқда.



Муносабат

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ



Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган бирламчи бўғин ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори воситалари истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни замон талабларига мос равишда ислоҳ қилишга қаратилган видеоселектор йиғилиши миллий соғлиқни сақлаш соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этишда янги ёндашувларни қамраб олгани билан аҳамиятли бўлди.

ТИББИЁТНИНГ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИ ВА ИХТИСОСЛАШГАН МУАССАСАЛАРДА ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ИСТЕЪМОЛИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАМДА ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР*

ИШТИХОН ТУМАНИ МИСОЛИДА:

- Тиббий ёрданнинг қафолатланган пакети тасдиқланади ва пакет доирасида тиббий хизмат ва дори воситалари тўлиқ бюджетдан қопланади.
- Тиббиёт бригадаси ҳамда унга бириктирилган аҳоли ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилوучи икки томонлама шартнома тузилади.
- Барча шифокор ва ҳамширалар фақат тўлиқ ставкада ишлайди.

Тумандаги маҳалла ва оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар фаолияти мақбуллаштирилиб

- 12 мингдан кўп одамга хизмат қиладиган
- 7 та йирик поликлиника,
- 27 қолган таси кичик поликлиника сифатида қайтадан ташкил қилинади.

БУ ПОЛИКЛИНИКАЛАРДА БАЗАВИЙ ОЙЛИК

- оилавий шифокорда 500 доллар
- ҳамшираларда 300 доллар эквивалентида бўлади

ШИФОКОРЛАР МАҲАЛЛАДА ЮРИБ, КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА АНИҚЛАСА,

- шифокорга 500 доллар
- ҳамширага 300 доллар
- эквивалентида кўшимча ҳақ берилади.

Янги тизим жорий йилда Иштихон, Булунғур туманлари ва Самарқанд шаҳрида, қолган вилоятларнинг 1 тадан туманида, кейинги йилдан тўлиқ Самарқанд вилоятида, 2027 йилдан эса босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий қилинади.

НОГИРОНЛИКНИ БЕЛГИЛАШДА — ВРАЧЛИК-МАСЛАҲАТ КОМИССИЯЛАРИ ТИЗИМИДАН ТЎЛИҚ ВОЗ КЕЧИЛАДИ

Ногиронлик оилавий шифокор расмийлаштирган ҳужжат асосида тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан белгиланади.

ЙИЛ ОХИРИГАЧА ТИББИЁТ ОЛИЙҒОҲЛАРИ БИЛАН

- 15 та тумандаги 4700 нафар оилавий шифокор ва ҳамшира “Оила саломатлиги” дастури бўйича, раҳбарлар эса менежерликка ўқитилади.

15 ТА ТУМАНДАГИ ПОЛИКЛИНИКА ВА ШИФОҲОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ ТИЗИМ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ УЧУН БУ ЙИЛ

- 285 миллиард сўм бунга кўшимча маҳаллий бюджетдан
- 10 миллиард сўмдан ажратилади.

“ТИББИЁТДА 90 КУНЛИК ЎЗГАРИШЛАР” ДАСТУРИ БОШЛАНДИ

- Куттиш жойларида қулай ўриндиқлар кўпайтирилади;
- Навбатлар тартибга келтирилади;
- “Она-бола” хоналари ташкил қилинади;
- Ногиронлиги борлар эркин ҳаракатланиши учун кириш-чиқиш жойлари яратилади;
- Қўл ювишга иссиқ суви бор ҳожатхоналар ташкил этилади.

БУНГА ҲАР БИР ҲУДУД МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИДАН 10 МИЛЛИАРД СЎМДАН АЖРАТИЛАДИ.

БАРЧА МАКТАБ, БОҒЧА, ТЕХНИКУМ, ОЛИЙҒОҲ, ПОЛИКЛИНИКА ВА ШИФОҲОНАЛАРДА “ТОЗА ҚўЛЛАР” ДАСТУРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

- Таълим ва тиббиёт ташкилотларидаги қўл ювиш жойлари санитар-гигиена воситалари билан тўлиқ таъминланади;
- Шароити оғир бўлган 126 та мактабда ҳожатхоналар бинони ичида жойлаштирилиб, янгидан қурилади, 6 мингдан зиёд боғчага гелиоколлектор олиб берилади;
- 4 минг 295 та ижтимоий муассасада сув баки ва цистерна ўрнатилади.

УШБУ МАҚСАДЛАР УЧУН ШУ ЙИЛНИНГ ЎЗИДА БЮДЖЕТДАН **780 МИЛЛИАРД СЎМ** АЖРАТИЛАДИ.

ЖАМИЯТДА ФУҚАРОЛАРИМИЗНИНГ ОДОБИ, ХУЛҚИ ВА АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ

Сир эмас, ахлоқсизлик ҳолатларининг авж олишига ижтимоий тармоқлар билан бир қаторда айрим хусусий телеканаллар ҳам ҳисса қўшмоқда. Уларда феълимизга, миллий шаънимизга тўғри келмайдиган, ахлоқсиз сериалларни намойиш этаётган, хурматчи қилқўлар билан шоу ўтказайётганлар нима учун тартибга қақирилмайди? Савияси паст, мантиқсиз кўрсатувларни оммага намойиш қилишдан тийилмай туриб, мударр тартиб-интизом ҳақида, ёшларимизнинг тарбиясизлиги, таълим даргоҳларида содир бўлаётган шармисор ишлар ҳақида афсус-надомат чекамиз ва нуқул айбни оиладан, мактабдан, маҳалладан қидирамиз.

ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК!

Судлар ва судьялар томонидан маслаҳат хонасида чиқарилган ҳар қандай ҳукм ва қарорларга баҳо бериб, танқид қилишга ҳар қандай шахсга ҳам ҳуқуқ берилмаган. Фақат қонунда кўрсатилган шахсларгина чиқарилган суд қарорларидан норози бўлсалар, тегишли тартибда юқори инстанция судига мурожаат қилишлари процессуал қонунларимизда аниқ кўрсатилган.



Муносабат

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИДА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

1 Йиғилиш аввалида Президентимиз тиббиёт соҳасига ажратилаётган маблағлар сўнги йилларда 6 каррага ошиб, жорий йилда 42 триллион сўмга етганига алоҳида тўхталди. Шунингдек, соҳага юқори малакали кадрлар жалб этилаётгани, халқро тажрибалар ўзлаштирилаётганини қайд этди.

Бироқ, шунча саъй-ҳаракатларга қарамай, аҳолининг тиббий хизматдан розилиги юқори эмаслиги, тизимнинг барча жабҳаларида янги, самарали ёндашувларга эҳтиёж борлигини ҳам таъкидлаб ўтди. Бу борада аҳоли нима сабабдан тиббий хизматдан қониқмаётгани, нега поликлиникаларга эмас, тўғридан-тўғри шифохона ёки хусусий клиникага бораётгани каби саволлар ўртага ташланиб, вазият бирма-бир таҳлил қилинди.

Хусусан, Фарғона, Хоразм, Андижон вилоятларида аҳоли бирламчи бўғин бўлган оилавий шифокорларни четлаб ўтиб, шифохона ёки тез тиббий ёрдамга мурожаат қилаётгани, яъни тез тиббий ёрдам хизмати поликлиника функцияларини бажараётгани асосли танқид қилинди.

Шунингдек, Наманган, Самарқанд, Андижон шаҳарларида поликлиника шифокорлари кунига тиббий стандартларга зид ҳолда 50-60 беморни қабул қилаётгани, Бухорода оилавий шифокорлар "диспетчер"га айланиб, беморни қабул қилиш йўналиши билан шуғулланаётганига эътироз билдирилиб, мавжуд тизим амалий фаолият, касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олишдан анча узоқлашгани афсус билан қайд этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, соҳани замонавий талаблар асосида ислоҳ қилиш, тиббий хизматнинг сифати ва фуқароларни қониқтириш даражасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Жумладан, оилавий шифокор ва ҳамшираларнинг масъулияти кескин оширилади. Энди маҳаллада инфаркт, инсульт, оналар ва болаларнинг эрта ўлими, сурункали касаллик туфайли орттирилган ногиронлик бўлса, фавқулодда ҳолат саналади.

Туманлардаги шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолияти қамров ҳажатидан маълумлаштирилади.

Бу поликлиникаларда оилавий шифокорнинг базавий ойлик маоши 500 доллар, ҳамшираники 300 доллар эквиваленти миқдорида бўлади. Улар малярия сертификати олса, яна шунча устама тўланади. Агар улар маҳаллада юриб, сурункали беморларни касаллик билан яшаш ва уни бошқаришга ўргатса, онкология, диабет, инсульт, инфаркт каби хасталикларни эрта аниқлаб, оғир асоратларнинг олдини олса, маоши янада ошади. Яъни, оилавий шифокорлар 1,5 минг доллар, ҳамширалар эса 600-800 долларгача эквивалентда ойлик оладиган тизим яратилади.

Маъқур тизим жорий йилда 15 та туман ва шаҳарда, келгуси йилдан Самарқанд вилоятининг барча ҳудудларида синовдан ўтказилади.

Янги тизимга кўра, маҳаллардаги оилавий шифокор пунктлари фаолияти қайта ташкил этилиб, туман миқёсида 12 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатадиган 7 та йирик поликлиника ва 27 та кичик поликлиника фаолияти йўлга қўйилади. Туман марказий поликлиникаси эса маслаҳат-диагностика марказига айлантирилиб, тор ихтисосликдаги барча мутахассислар бир жойда фаолият юритади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли учун ҳам, тиббиёт ходимлари учун ҳам қулай ва самарали тизимни яратишга хизмат қилади.

Видеоселектор йиғилишида тизимда коррупциянинг олдини олишга қаратилган яна бир муҳим топширик берилди. Яъни, ногиронликни белгилашда шифокорлик-маслаҳат комиссиялари деган коррупцион тизимдан тўлиқ воз кечилиб, энди ногиронлик ҳолати оилавий шифокор расмийлаштирган ҳужжат асосида тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан белгиланади.

Аҳамиятлиси, соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимлари "Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар" дастури асосида шифо мақсадларида кутиш жойлари ҳамда йўлакларни тартибга келтириш, тозалик ва тиббий маданиятни ошириш топшириги берилди. Таълим ва барча ижтимоий муассасаларда "Тоза кўллар" дастури татбиқ этилиб, санитар-гигиена шароити яхшиланиши ай-тилдди.

Шунингдек, тиббий ёрдамнинг кафолатланган пакети шакллантирилиб, ушбу пакет доирасида кўрсатиладиган хизматлар ва дори воситалари давлат бюджети ҳисобидан қопланиши таъкидланди.

Юқорида белгилаб берилган вазифалар электоратининг катта қисмини тиббиёт ходимлари ташкил этадиган "Адолат" социал демократик партияси Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялар билан ҳамоҳанглиги бизни қувонтиради.

Бир сўз билан айтганда, "Адолат" СДП мазкур ислохотларни қўллаб-қувватлайди ва уларнинг ҳар бир босқичида ҳубудий тузилмалари, депутатлари билан ҳамкорликда фаол иштирок этади.

Зеро, соғлом халқ, баркамол миллатгина буюк ишларга қодирдир!

Хоразм ўзига хос жозибаси билан сайёҳларни мафтун этиб келаётган воҳалардан бири. Кейинги йилларда вилоятнинг туризм салоҳиятини юзага чиқариш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Буни ҳудудга хорижий сайёҳларнинг ташрифи етти-саккиз йил олдинги даврга нисбатан 30 баробар кўпайгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Соҳадаги ўзгаришлар ҳисобига вилоят туризм хизматлари экспорти 2017 йилдаги 7 миллион доллардан ўтган йилда 380 миллион долларга етди.

Тоҳир ПОЛВОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
"Адолат" СДП фракцияси
аъзоси

Халқимиз келажакига йўналтирилган истиқболли лойиҳалар

Илгари ҳудуд туризми ҳақида гапирилганда кўпчиликнинг кўз ўнгига фақат Ичан қалъа гавдалариди. Кейинги вақтларда бу борадаги қарарлар бутунлай ўзгарди. Чунки сайёҳлар учун қирқдан ортиқ туристик йўналишлар ишлаб чиқилиб, уларнинг умумий сони юзгага етди. Бу ерда очилган яна бир ноёб мажмуа — "Арда Хива" халқаро туризм маркази вилоятда сайёҳлар оқимини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ноёб мажмуанинг очилиш маросимида иштирок этгани ташрифнинг муҳим воқеаси бўлди. Мажмуа қадим кент ичра яна бир бетакрор шаҳарни эслаб, у ўзида тарих ва бугунни уйғунлаштирган меъморий ечим билан ноёб лойиҳадир.

Ҳудуддаги 25 гектарлик паст унумли, шўр-хок майдонда барпо этилган бу маскан йилга уч миллион нафар ташриф буюрувчини қабул қилиш имкониятига эга. Энг муҳими, бу ерда икки мингдан зиёд киши иш билан таъминланади. Шу нуқтаи назардан, Ичан қалъа тарихий бўлса, "Арда Хива" Хоразмнинг замонавий "ташриф қоғози" бўлади, десак янглишмаймиз. Саломатлик — инсоннинг бирламчи эҳтиёжи, истига. Шу боис, давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, соҳани изчил ривожлантириб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, ҳаёт ҳақиқати шуки, фақатгина соғлом халқ, баркамол миллат буюк ишларга қодир бўлади.

Мамлакатимиз раҳбари бошчилигида халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, аввало, тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ишларни мутлақо янги босқичга кўтариш мақсадида Хоразм вилоятида улкан ишлар қилинди. Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди, одамларни кўп йиллардан буён ўйлантириб келаётган масалалар қисқа фурсатда ижобий ҳал этилди. "Инсон қадри учун" тамойили асосида ҳар

бир фуқаронинг тинч ва фаровон ҳаёт кечирishiга зарур шарт-шароитлар, қўлайликлар яратилди. Бугун воҳада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш тизими ижобий томонга ўзгарган. Фуқароларга 189 та давлат тиббиёт муассасалари, 100 та маҳалла тиббий пункти ҳамда 501 та хусусий тиббиёт муассасаси орқали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Бирламчи тизимда касалликларнинг олдини олиш, эрта босқичларда аниқлаш мақсадида ўтган йили аҳолининг 94 фоизи тиббий хатловдан ўтказилди. Урганч туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси ва кўп тармоқли марказий поликлиникасида лаборатория, физиотерапия ва даволаш физкультура йўналишида хизматлар умумлаштирилиб, стерилизация, лаборатория хизмати марказий шифохонанинг лаборатория бўлимида, физиотерапия ва даволаш физкультура хизматлари янги хизмат кўрсатиш тизими бўйича ташкил этилди.

Аҳолини йиллар давомида қийнаб келган, юқори технологик операциялар учун чет элларга бориш, беморлар даволаш профилактика муассасаларида соатлаб навбат кутиб қолиш ҳолатлари, малакали мутахассисларнинг етишмаслиги каби бир қатор муаммолар қисқа вақтда барқарор этилди. Хусусан, юқори технологик амалиётларнинг қўламини ва салмоғи ошди, чет элда ва пойтахтда ўтказилиб келинаётган амалиётлар бугун вилоятнинг ўзида йўлга қўйилди. Натижада тиббиёт муассасаларида 8 минг 302 нафар беморларда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. 2024 йилнинг ўзида вилоятда 6 нафар беморда буйрак трансплантацияси амалиёти республика мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида инвести-

ция дастурига асосан 10 та тиббиёт муассасаларида жами 45,8 миллиард сўмлик янги қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Маҳаллий бюджет ва қўшимча манбалар ҳисобидан 13 та тиббиёт муассасаларида жами 21,9 миллиард сўмлик мукамал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Вилоятда тиббиётнинг яна бир муҳим йўналиши — хусусий тиббиёт секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 28 та хусусий клиникалар янгидан ташкил этилиб, уларнинг сони 508 тага етказилди. Бугунги кунда юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи клиникалар сони 30 тадан ошишига эришилди. Буларнинг барчаси халқимизнинг розилигига эришилди, аҳолининг саломатлигини таъминлашга хизмат қилаётди.

Келгусида воҳада бу борадаги ишлар бутунлай янги босқичга чиқади. Чунки Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилишда жорий йилда юқори технологик жарроҳлик амалиёти улушини 35 фоизга етказиш, техникумлардаги 6 минг битирувчининг бандлигини таъминлаш, техникум ва олийгоҳларнинг 7 минг талабасини дуал таълимга қамраб олиш, олий таълимнинг муҳандислик, тиббиёт, иқтисодиёт, агар йўналишидаги 7 та таълим дастурини халқаро аккредитациядан ўтказиш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, Урганч шаҳридаги тиббиёт олийгоҳида йилга 1 минг 600 нафар врач тайёрланиши, 500 та хусусий клиника фаолият юритаётгани, лекин сервисдаги тиббий хизматлар улуши 2 фоизга ҳам етмаслиги қайд этилди. Шу маънода, йил якунигача Шовот ва Янгиариқда соғломлаштириш хизматларини ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Президентимизнинг ҳудудлар ривожини ва аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, янги истиқболли режаларни белгилаш мақсадида Хоразм вилоятига бу гапга ташрифи том маънода, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириб, унинг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиш шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифидан сўнг юзлаб лойиҳалар амалга оширилади, минглаб янги иш ўринлари яратилиб, халқимиз фаровонлиги янада юксалади. Ташриф давомида белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлашда биз, халқ вакиллари ҳам қамарбаста бўламиз.

Вазифалар белгилаб олинди

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида Президентимизнинг жорий йил 1-2 май кунлари Хоразм вилоятига ташрифининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар ушбу ташрифнинг аҳамиятига тўхталиб, унинг доирасида ҳудуддаги янгиликлар ва ислохотлар, ҳаётга татбиқ этилаётган янги лойиҳалар билан танишиш баробарида келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам белгилаб берилганини алоҳида қайд этдилар.

Партия Сайловолди дастурида мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш устувор вазифа сифатида ўрин олгани, шундан келиб чиқиб, давлат раҳбари томонидан қўйилган вазифалар ижросини ўз вақтида ҳамда самарали таъминлашда партия ва унинг парламентдаги фракцияси фаол бўлиши кераклиги таъкидланиб, фракция олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш вазирини А.Худаярова "Аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, шу жумладан, онкологик касалликларнинг олдини олиш ва уларни барвақт аниқлаш, доимий скрининг текширувларини ташкил этиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Натижада онкологик касалликларни эрта аниқлаш кўрсаткичлари бирмунча яхшиланиб бормоқда. Жумладан, 5 йил олдин онкологик касалликларни 1- ва 2-босқичларда аниқлаш 46,1 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 50 фоизни таш-



кил этмоқда. Профилактик кўрикларда хавфли ўсма касаллигининг аниқланиши охириги 5 йилда 22,5 фоиздан 26,6 фоизгача, 5 йиллик яшаш кўрсаткичи эса 39,4 фоиздан 41,8 фоизгача ошган. Шу билан бир қаторда, депутатларнинг сайлов округларида ўтказилган учрашувлари давомида ушбу

соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги аниқланганига ҳам эътибор қаратилди.

Фракция аъзоси Дилмурод Исмоилов ҳудудларда олиб борилган ўрганишлар чоғида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган фили-

алида онкологик касалликларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган иммуногистохимия (ИГХ) аппарати мавжуд бўлишига қарамай, уни бошқаришда мутахассис ходим етишмаслигини айтиб, ушбу муаммо бошқа ҳудудларда ҳам кузатилишини қайд этди.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда

бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан асосланган тушунтиришлар бериш ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирини парламент сўрови юбориш масаласи қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.



ЖАМИЯТДА ФУҚАРОЛАРИМИЗНИНГ ОДОБИ, ХУЛҚИ ВА АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ

"Ўзбекистон 24" телеканалининг "Махсус репортаж" дастурида "Адолат" социал-демократик партияси фаолларининг "Жамиятда фуқароларимизнинг одоби, хулқи ва ахлоқий фазилатлари" мавзусидаги чиқиши, очиғи, барчани ўйлантириб қўйди. Кўпчилигимиз ўз ҳаётимиз, кундалик ишлар билан банд бўлиб, бу масалага эътиборсизлик билан қараётганимиздан кўз юмиб бўлмайди. Ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган, жамиятимиздаги нохуш ҳодисалар — миллат шаънига мутлақо мос келмайдиган воқеликлар сизу бизнинг кўз олдимизда содир бўлаётгани ачинарли.

Мадаминжон МАДАЗИМОВ,
халқ депутатлари Андижон
вилоят Кенгаши депутати,
вилоят кенгаши раиси

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама етуқ ва камил инсон бўлиб етишиши учун кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида улар орасида иқтидорлилар сафи кенгайди. Халқаро даражадаги мусобақаларда юртимиз номини танитаётган фарзандларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Юқоридагиларга қарамай, мунозара клуби иштирокчилари томонидан таъкидланганидек, фарзанд тарбияси борасида муаммолар йўқ эмас. Шунинг унутмаслик керак, фарзанд тарбияси инсон ҳаётида энг мураккаб ва масъулиятли ишлардан бири. Бу ўзини ҳурмат қилган ҳар бир ота-она учун муҳим масала ҳисобланади. Бу жараён айни вақтда миллат келажагини белгилаб беради.

Барчамиз яхши биламиз. **Бола тарбиясига энг биринчи навбатда ота-она жавоб беради. Бу билан ўқитувчи ёшлар тарбиясига масъул эмас, деган фикрдан йироқман. Бола таълим муассасасида маълум вақт бўлади. Куннинг кўп қисмини оила даврасида ўтказилади. Бироқ айрим оилаларда шунга қарамай фарзанд тарбиясини муаллим зиммасига юклаб қўйишлик, агар фарзанди нотўғри йўлдан борса, ўқитувчи етарли тарбия берма-**

ган, дея айбни устозга юклашлик бор гап. Вақоланки, ўқитувчининг биринчи вазифаси болага билим бериш. Шубҳасиз, фарзанд тарбиясининг асосий қисми, бир томондан, ота-она зиммасида бўлади.

Бугунги ахборот тезлиги тараққиётга ижобий таъсир кўрсатяпти. Бу яхши. Бироқ, айрим ҳолларда муаммога ҳам сабаб бўлмоқда. Фарзандлар тарбияси ҳам бундан мустасно эмас. Ота-она ёшларимизни интернет, уяли телефон орқали қайси канал ёки сайтларга кираётганликларини назорат қилиб туриши лозим. Аксарият ҳолларда, кераксиз ижтимоий тармоқларнинг асирга айланиб, нотўғри йўлга кираётган йигит-қизлар тарбияланаётган оилаларда бу борада эътиборсизлик кузатилади.

Яна бир масала: ота-она фарзандининг биринчи мураббийидир. Шу сабаб, аввало, уларнинг ўзи ҳаётда ибрат бўлиши ва фарзандига тўғри йўл кўрсата билиши шарт. Агар бола ота-онадан меҳр кўрмай, бошқалардан ширин сўз эшитса ёки ота-она фарзанди олдида жанжаллашса бундан ёмони йўқ.

Халқимизда бир ибора бор: "Бола азиз, одоби ундан азиз". Одоби, билимдон фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг бойлигидир. Шундай экан, оилада фарзандларни ахлоқий-ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг қалбида адолат, бурч ва ватанпарварликни шакллантириш муҳим ҳисобланади. Яхши тарбия бир соатлик ёки бир кунлик иш эмас. Мақсадли тарбия ота-онадан катта билим ва тажриба талаб қилади. Ҳар бир ота-она тарбияга оид билим ва малакага эга бўлиши шарт. Тарбиянинг мураккаблиги шундаки, у ҳеч қачон тугамайди. Ва унутманг, ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялаши шарт.

Кўрсатувда сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган, жамиятимиздаги нохуш ҳодисалар — миллат шаънига мутлақо мос келмайдиган воқеликлар атрофлича таҳлил қилинган.

Муҳиддин ОМАД,
Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Дарвоқе, бугунги кунда кимдир, қаердадир, қандайдир ноҳуя хати-ҳаракат содир этган бўлса, бор диққат-эътиборни ўша томонга қаратиб, унинг айбдорини обдон қидира бошлаймиз. Кимдир ота-онани, кимдир таълим берган устозни ва яна кимдир маҳаллани айбдор қилиб кўрсатиб, худди чигал тугунга ечим топгандек кўрсатади, ўзини.

Дарвоқе, ахлоқ ҳаёлимиздан кўтарилиб қолган пайтда, бир ахлоқсиз уни ёдимизга солиб қўяди. Ҳа, ҳар қандай жамиятда ахлоқ биринчи ўринда туради. Қайсидир оилада уни-ўсган ҳар қандай инсон боласи улғайса, албатта, ўша муҳит тарбиясини ўзлаштириб олади. Шубҳасиз, "бундай болани қайта тарбиялаш амримаҳол", деган фикр устун келиб, ҳамма ундан сабоқ олиб қочади.

Инсон тарбияси энг олий ўринда турганлиги учун ҳар бир халқнинг доғирларидан тарбия борсида асарлар ёзишган, улар жамланиб, китоб ҳолида оилаларга, таълим даргоҳларига кириб борган, ўқитилган. Лекин бугун ҳам шундайми? Ёшлар оилада ахлоқдан панд-насихат, мактабда тарбия, ҳаётда сабоқ олишадими? Ахир фарзандлар тарбияси, ахлоқ-одоби биринчи ўринда туради-ку! Ёшларни ҳар томонлама етуқ, оилапарвар, инсонпарвар ва ватанпарвар қилиб тарбиялаш, вояга етказиш барча замонларда ҳам давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланган. Улуғлар ёзиб

қолдирган тарбиявий асарлар ёшу кексага бирдай манфаат етказган. Ёш авлодни юртга садоқат руҳида тарбиялаб, иллату балоларга эргашиб кетишдан тийиб турган.

Аслида, жамоатчилик орасида бемаъни қилиқлари билан ёшларга "ўр-нак" бўлаётган кимсаларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини қўллаш вақти келди.

Бир одамнинг айби — ростми, ёлгонми — ижтимоий тармоқда ёритилгудай бўлса, ҳамма уни бирданга гийбат қилишни бошлайди. Яхшилик, одоб ва фазилат ҳақида ҳикоят ёки ривоят ҳавола этилса, деярли ҳеч ким фикр билдирмайди. Бу ниманинг аломати? Бу қалбда яхшиликка рағбат йўқолганлигининг аломати. Демак, ишни қалбни даволашдан бошласимиз керак. Бундай муолажа, албатта, бола ёшидан бошланади. Беғубор, ҳали нима яхшию, нима ёмон эканини англаб етмаган болалар қалбига эзгулик уруғини экиш зарур. Бу иш билан фақатгина боғча ёки мактаб эмас, оила ва бутун бошли жамият машғул бўлиши шарт! Бу сенинг ишинг, бу сенинг вазифанг, деб масъулиятдан қочиб ҳам ахлоқсизликнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Қолаверса, бу ишда масъуллик зиммасига юкланган давлат даражасидаги маданият ва маърифат муассасалари бор. Уларнинг ҳисобида айнан шу каби тарғибот ишларини амалга ошириш учун сарфланади-

ган маблағ мавжуд. Жойларга бориб, "қахрамон"лар улғайган ҳудудда халқ вақиллари, ота-оналар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилиши зарур. Ошқора маънавий бузуқлик қилаётган, оммавий маданиятни тарғиб этаётганларни ҳаспўшлаб ўтирмай, уларга нисбатан жиддий чоралар кўрилиши керак.

Сир эмас, **ахлоқсизлик ҳолатларининг авж олишига ижтимоий тармоқлар билан бир қаторда айрим ҳудудий телеканаллар ҳам ҳисса қўшмоқда. Уларда феълнимизга, миллий шаънимизга тўғри келмайдиган, ахлоқсиз сериалларни намойиш этаётган, хурмача қилиқлар билан шоу ўтказяётганлар нима учун тартибга қақчилмайди? Савияси паст, мантиқсиз кўрсатувларни оммага намойиш қилишдан тийилмай туриб, мудом тартиб-интизом ҳақида, ёшларимизнинг тарбиясизлиги, таълим даргоҳларида содир бўлаётган шармисор ишлар ҳақида афсус-надомат чекамиз. Ва нуқул айбни оилалар, мактабдан, маҳалладан қидирамиз.**

Ҳаётимизда ҳамонки шундай — гафлатдан огоҳ этадиган, сергак тортирадиган ишлар содир этилаётган экан, демак, шунга яраша камчиликларимиз ҳам бор. Неки уллат бўлса, унга ҳамма устимиз чин маънода жавобгар ҳис этишимиз ва токи бу каби иллатлар яқун толғунига қадар ҳамжиҳатликда курашишимиз керак бўлади.

ХОТИРА — АЗИЗ, ЖАСОРАТ — МАНГУ!



АНДИЖОН. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик аждодларимизнинг бемисл жасорати туйфайли. Уларга қанча ҳурмат ва эҳтиром кўрсатсак, шунча кам. Хотира ва қадрлаш куни арафасида Андижонда "Фахрийлар доим эъзозда" шиори остида тадбирлар ташкил этилаётгани бежиз эмас. Уруш қатнашчилари билан учрашувлар, хотира тадбирлари тинччилигимизнинг қадрига етишга, ёшларни мардлик ва жасоратга чорламоқда.

Байрам арафасида андижонлик ёшлар ҳам ташаббус билан чиқдилар. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан хабар олиб, буюк жасорат эгаларининг ҳаёт сабоқларини тингладилар. Фахрий отахонлар кўкси тўла ордон ва медаллар билан ортда қолган уруш йилларини эслар экан, Ватан ҳимояси уларга куч бергани, душманга қарши тик борганлари ва юрт тинчлиги тўғрисида гапирдилар. Бугунги фаровон ҳаётимизни қадрлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини таъкидладилар.

— **Маълумотларга кўра, Ўзбекистон II жаҳон уруши даврида 1 миллион 951 миндан ортиқ кишини фронтга жўнатган, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши раиси уринбосари Малоҳатхон Мусаева. — Бугунги кунда республикамизда II жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган фахрийлар 82 нафарни ташкил қилади. Уларнинг энг**

улуғи 114 ёшни қаршилаган. Бу рақамлар бугун ёшларга етказилди. Унинг замирида қанча йўқотишлар, мардлик ва жасорат ётгани тушунтирилди. Бугунги осуда ҳаётимиз ва ривожланишнинг тамал тошини ана шу доғир аждодларимиз қўйгани ҳақида фикр юритилди.

Бир сўз билан айтганда, қўлида гуллар тутган йигит-қизлар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг хонадонларига кириб бормоқда. Фахрийлар билан суҳбатлар улар учун ибрат мактабига айланяпти.

БУХОРО. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда тинчлик ва озодлик учун курашган, Ватан муҳофазаси йўлида жонини фидо этган фидойи инсонларга бўлган юксак эътибор ва миннатдорлик рамзи сифатида алоҳида ўрин тутди. Жорий йилда ушбу сана фашизм устидан қозонилган буюк ғалабанинг 80 йиллиги билан уйғун ҳолда нишонланаётгани тадбирларга янада теран маъно ва тарихий масъулият бахш этмоқда.

Шу муносабат билан "Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси билан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида уруш қатнашчилари, фронт орти меҳнат фидойилари ҳолидан хабар олиш, уларни байрам билан табриклаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар халқимизга хос фазилатлар бўлмиш кексаларни эъзозлаш, тарихни улуғлаш ва авлодлар ўртасида маънавий кўприк қуриш сингари олижаноб қадриятларга таянади.

Хусусан, Олот туманида "Адолат" СДП туман кенгаши раиси Акбар Қорғөдиев Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳожимурод ота Бектешев хонадонига бориб, унинг уруш майдонларидаги хотиралари, фронтдаги дўстлик ва юртга бўлган садоқати ҳақидаги фикрларини тинглади ва партия номидан байрам билан муборакбод этди.

Суҳбат чоғида Акбар Қорғөдиев ўз дил сўзларини изҳор этар экан, "Бу кунда сиз каби инсонлар олдида бош эгамиз. Сиз берган жасорат ва сабоқларни юксак қадрлаб, ёшлар онгага тинчликнинг нақадар бебаҳо наъмат экани, сўнги йилларда Ватанимизда улар учун яратилаётган қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни улуғлар фаолиятига ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган учрашувлар ва тадбирлар ўтказилмоқда.

НАВОЙИ. "Фахрийлар доим эъзозда" шиори остида партиянинг Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан ҳудуддаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда фронт орти фахрийларининг ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни улуғлар фаолиятига ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган учрашувлар ва тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдამчиси Шоҳсанам Йўлдошева ва Бобурирзо Эгамбердиевлар Қонимех туманидаги Иккинчи жаҳон уруши фронт орти қатнашчиси Файзулло ота Михлеев хонадонига бўлиб, отахонни байрам билан қутлашди.



Учрашув чоғида Файзулло ота ўтган асрнинг энг оғир синовларидан бири бўлган уруш йилларида ўзбек йигитларининг жангхўлардаги фидокорона қахрамонлиги, халқимизнинг фронт ортида кўрсатган жасорати ҳақида ўзи гувоҳ бўлган хотираларни сўзлаб берди.

— **Одамлар кам нарса еса ҳам, кўп ҳолда оч-наҳор меҳнат қилишса ҳам бир-бирига беъэтибор бўлмас, руҳий ва маънавий таянч бўлиб, ардоқларди, — дейди Ф.Михлеев. — Ҳақиқатан ҳам, шундай синовли дамларда халқимизда меҳрибонлик, ҳамжиҳатлик бўлмаса, у кунларни қандай енардик?! Шунинг учун ҳам бугунги дориламон кунларга шўқрона келтириш, тинчликни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ёшларга ҳавас билан боқаман. Уларга берилган имкониятлар, шарт-шароитлар биз учун орзу эди. Шу боис, набираларимизга ўқитиш, ўз устида изланиб, иқтидорини намойиш қилишига эътибор қаратаман.**

СУРХОНДАРЁ вилоятида ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги уюшқоқлик билан нишонланмоқда. Худуд миқёсида Иккинчи жаҳон урушининг оловли жангхўлардан омон қайтган болларимиз, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли синовларда ўзлигини йўқотмаган аждодларимизга меҳр-оқибат кўрсатишдек миллий анъана янгира ҳудудда қулоч ёзаяпти.



ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК!

Хурматли ҳамюртлар, охириги пайтларда айрим манбаларда, хусусан ижтимоий тармоқларда баъзи давлат органлари мансабдор шахслари қаторида суд ҳокимияти субъектлари бўлган судьяларга нисбатан ҳам ҳар хил нотўғри муносабат билдириш, яъни уларни асоссиз айблар, кадр-қиммати ва шаънига салбий таъсир қиладиган чиқишлар учраб турибди.

**Убайдулла МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист**

Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси ўз Уставида кўрсатилган асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, жамоатчиликка судга нисбатан салбий фикрларнинг юзага келишига ҳамда судьяларнинг шаънига путур етказишга сабаб бўладиган айрим асоссиз маълумотларни тарқатиш билан шуғулланаётган шахсларни ва умуман, барча фуқароларни қонунларимизда белгилаб қўйилган муайян талаблардан хабардор этишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Биз ҳуқуқий демократик давлатда яшаймиз. Шундай экан, ҳокимиятнинг олий органларидан бири бўлган парламентимиз томонидан қабул қилинган қонунларга ва айниқса, Бош қомусимиз – Конституциямиз моддалари талабларига сўзсиз риоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Республикаимиздаги барча фуқаролар, у ким бўлишидан қайси мансабда ишлашидан қатъи назар қуйидаги қонун талабларидан хабардор бўлишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўғри, ҳар соҳада, ҳам объектив, ҳам субъектив сабабларга кўра камчилик ва нуқсонлар борлигидан барчамиз хабардоримиз. Албатта, қонунларимизда судья ҳар бир ишни чуқур ўрганиб, мазмунан кўриб чиқишда тарафлар ва гувоҳларни батафсил эшитиб, инкор этиб бўлмайдиган далиллар асосида у ёки бу шахснинг айби тасдиқлангандан сўнг ҳақиқат ва адолатли ҳақиқатни белгилашда, қонунларимиздаги афзалликлардан тўғри фойдаланиб, шахсни ҳақиқий содир этган ҳаракатига қонуний баҳо бериб, адолатли жоза чораларидан бирини тайинлаш лозимлиги кўрсатилган. Бироқ, камчилик ва нуқсонлар хусусида қай тартибда тегишлилигига қараб муружжаат қилиш ҳам қонунларимизда аниқ кўрсатилган. Шундай экан, қонунларда кўрсатилган ҳуқуқларимиздан тўғри

фойдаланайлик, демокчиман. Камчилик деб, бирор-бир шахсга нисбатан ҳурматсизлик қилиш орқали, унинг шаъни ва кадр-қиммати, айниқса, судга, судьяга нисбатан камситувчи, бирёқлама ва ноҳолис, шунингдек, аҳолида давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан ишончсизлик кайфиятини уйғотадиган маълумотларни очикдан-очик тарқатиш қонунларимиз билан ман этилганлигини, бунинг учун маъмурий, ҳатто жиноий жавобгарлик белгиланганлигини ҳам билишимиз зарур. Шу боис фуқароларимизни айрим қонун талабларига эътиборли бўлишлари лозим бўлади деган умидда, тегишли қонун талабларини ўқиб ўрганадилар ва уларга риоя қиладилар, деган мақсадда қуйидагиларни тавсия қилмоқдаман.

Судлар ва судьялар томонидан маслаҳат хонасида чиқарилган ҳар қандай ҳукм ва қарорларга баҳо бериб танқид қилишга ҳар қандай шахсга ҳам ҳуқуқ берилмаган. Фақат қонунда кўрсатилган шахсларгина чиқарилган суд қарорларидан норози бўлсалар, тегишли тартибда юқори инстанция судига муружжаат қилишлари процессуал қонунларимизда аниқ кўрсатилган.

Конституциянинг 60-моддасида "Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қиммати хурмат қилишга мажбурдирлар" дейилган.

Узимизга савол бериб кўрайлик-чи, барчамиз ҳам Конституциянинг ушбу талабига риоя қилганимизми?!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 136-моддасида судьяларнинг мустақил эканликлари, фақат Конституция ва қонунга бўйсунуши, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарафда аралашилмаши йўл қўйилмаслиги ва бун-

дай аралашши қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши, ушбу модданинг иккинчи қисмида эса судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан қаролатилиши белгилаб қўйилган. Энди бир ўйлаб кўрайлик, барчамиз қонуннинг шу талабига риоя қилганимизми?

"Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддасида судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланганлик учун ҳуқуқбузарга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараварида жазо қўйиладиганлик миқдорда жарима жасоси белгиланган. Шу даражагача боришимиз керакми?!

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 140-моддасида ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қиммати қасддан камситилганлик учун ҳуқуқбузарга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараварида жазо қўйиладиганлик миқдорда жарима жасоси белгиланган. Шу даражагача боришимиз керакми?!

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 140-моддасида ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қиммати қасддан камситилганлик миқдорининг йигирма бараварида жазо қўйиладиганлик миқдорда жарима жасоси белгиланган. Шу даражагача боришимиз керакми?!

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддасининг бешинчи қисмида, ҳаттоки, ҳар қандай фуқарога нисбатан ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрӯ-эъ-

тиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатган шахсдан маънавий зарар ундирилиши кўрсатилган. Кимгадир қонуннинг шу талабини қўллаш шартми?

Агарда, менда ваколат бўлганида эди, қонуннинг мазкур талабини бирор-бир фуқарога қўллашни асло раво кўрмаган бўлар эдим. Бундай ҳаракатлар содир этилади, деган фикрдан ҳам йироқдаман.

Шу жойда яна бир масалани таъкидламоқчиман. Юртимизда фаолият кўрсатаётган журналистлар ва ижтимоий тармоқларда фаол бўлган шахслар мамлакатимизда суднинг мустақил эканлиги, унинг ишига бирор бир тараф аралашмаслик, аралашганларни эса фож қилишга камарбаста бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Барчамиз Парламентимиз томонидан қабул қилинган қонунларимизнинг талабларидан хабардор бўлиб, уларга риоя қилсаккина ҳеч қандай ноҳуш ҳолатга тушмаймиз.

Мухтасар айтганда, юқоридаги қонун нормаларини мен кимнидир кўрkitиш учун эмас, балки тарбиявий нуқтаи назардан ҳар хил ноҳушликларнинг олдини олиш мақсадида, фуқароларимизни ўзаро хурматда бўлиши учун жамиятда ўз ўрнини билаб йоринга даъват этган ҳолда келтирдим, холос. Айтмоқчиманки, Конституциявий бурчларимизни чуқур англаган ҳолда ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиб, қонунарга қатъий риоя қилиш барчамизнинг асосий вазифамиз ва қонуний бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим. Шунда ҳар биримиз, мен ҳуқуқий демократик давлатда яшайман ва унга ўзимнинг қонуний ҳиссамни қўшмоқдаман, чунки менинг фуқаролар ва масалаарада барча муштарийларга масаҳат бериб, уларга сиҳат-саломатлик, ишларига омад, яхши кайфият тилаган ҳолда барча эзгу ният ва мақсадларининг амалга оширишда тилақдошман!

Шарҳ

Жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари Самарқанд шахри тарихий аҳамиятга эга муҳим сиёсий воқеа – "Марказий Осиё – Европа Иттифоқи"нинг биринчи саммитига мезбонлик қилди. Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё тарихда биринчи марта тенг мақомдаги тўлақонли икки минтақа сифатида бир-бирига рўбарў келди. Мазкур саммит нафақат минтақавий, балки глобал сиёсий ва иқтисодий жараёнлар учун муҳим воқеалик бўлди. Ушбу сиёсий анжуманининг аҳамияти ва натижаларига баҳо беришдан олдин Европа Иттифоқининг сиёсий ва иқтисодий салоҳиятига тўхталиб ўтиш ўринлидир.



ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИНИ ОЧИБ БЕРДИ

**Мавлуда ЯХШИЕВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
"Иқтисодиёт назарияси" кафедраси доценти**

Самарқанд саммити нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун Европа билан стратегик алоқаларни чуқурлаштиришда янги даврни бошлаб берди. Ўзбекистоннинг очик ва прагматик ташқи сиёсат йўли, иқтисодий ислохотлари ва минтақавий ҳамкорликка интилиши ушбу жараёнда муҳим ўрин тутди. Бу саммит – расмий баёнотлар эмас, балки амалий натижалар саммити бўлди. Уни халқаро майдондаги "Ўзбекистон бренди"ни мустаҳкамлаш, минтақавий интеграцияни ривожлантириш ва Европа билан барқарор алоқалар қуришдаги навбатдаги қадам сифатида қўриш мумкин. Бу эса нафақат бугунги, балки келажак авлодлар учун ҳам янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Оламшумул сиёсий тадбир ўзининг натижалари билан ҳам Европа ва Марказий Осиё халқлари тарихида чуқур из қолдирди. Биринчи саммит давомида икки минтақа ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва шериклик алоқаларининг бугунги ҳолати ва истикболлари сарҳисоб қилинди, фойдаланилмаётган имкониятлар ва бўшлиқлар аниқланди ҳамда уларни реал салоҳиятга айлантириш стратегиясига чизгилар берилди, ўзаро ишонч руҳи мустаҳкамланди, узоқ муддатли минтақалараро стратегик шерикчиликнинг сиёсий ва ҳуқуқий асослари яратилди.

Биринчидан, Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи институтлари ўзаро ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга келиши олдилар ҳамда икки минтақа ўртасида стратегик шериклик ўрна-тиши назарда тутувчи Қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, ўта муҳим минераллар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида декларация қабул қилинди. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида тузилган Кенгайтирилган шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг 2025 йилда имзоланиши эълон қилинди.

Иккинчидан, Европа Иттифоқи "Глобал дарвоза (Global Gateway)" орқали минтақа учун янги 12 миллиард евролик инвестициялар пакетини тақдим этди. Янги пакет транспорт (3 миллиард евро), асосий хомаш (2,5 миллиард евро), сув, энергетика ва иқлим (6,4 миллиард евро) ҳамда рақамлаштириш, сунъий йўлдош интернет (100 миллион евро) соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиради. Шунингдек, Европа Иттифоқи бошқа халқаро молиявий ҳамкорлик билан биргаликда Транскаспий транспорт йўлагини ривожлантириш учун 10 миллиард евро ажратади, бу эса Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги қуруқлик йўналишидаги масофани икки баробарга, яъни 15 кунгача қисқартириш имконини беради.

Учинчидан, Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи алоқаларининг институционал тизими мустаҳкамланди. Европа Иттифоқи мамлакатларидан Марказий Осиёга тўғридан-тўғри инвестициялар оқими рағбатлантириш мақсадида Тошкент шаҳрида Европа инвестиция банки офисини очиб тўғрисида битим имзоланди. Бундан ташқари, "Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи" саммитини ҳар икки йилда бир марта ташкил этиш, "Марказий Осиё – Европа Иттифоқи" парламентлараро ҳамкорлик форумини таъсис этиш, "Марказий Осиё – Европа Иттифоқи" қўшма савдо палатасини ишга тушириш, "Марказий Осиё – Европа Иттифоқи" форматда Бош вазир ўринбосарлари даражасида Шериклик қўмитасини таъсис этиш, Ўзбекистонда "Уфқ – Европа" таълим дастурининг офисини очиб каби аниқ тақдирлар ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда европалар томонидан "қўш-ниларимизнинг қўшниси" деб аталаётган Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан алоқалари янги сифат босқичига чиқмоқда. Икки томонлама алоқалар янги характер касб этиб, турғунликдаги ҳамкорликдан ўзгаришлар даври шерикчилигига айланмоқда. Энг муҳими, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё алоқаларининг янги босқичи нафақат юқори мақомдаги ҳукуматлараро даражада, балки жамиятнинг нодавлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, ишлаб чиқарувчилар ва бизнес гуруҳлари вакиллари, илм-фан намоёндаларидан иборат "норасмий қатлам" доираларида ҳам ўз таъсирини сездира бошлади. Давлатлар ва ҳукуматлараро олий даражадаги расмий алоқалар тобора оддий инсонлар ўртасидаги кундалик мулоқот тусини олмоқда.

Президентимиз қайд этганидек, Марказий Осиё энди тарихнинг четида эмас, балки ўз стратегик кун тартибини шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда. Сиёсий ирода, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва қўшма иқтисодий ташаббуслар минтақада барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратди. Марказий Осиё Европа билан Осиё ўртасидаги шунчаки "кўприк" эмас, балки глобал иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Депутатлик сўрови

Светофор ўрнатилди

Шофиркон туманининг "Қалмоқон" МФЙ ҳудудидан ўтувчи серкатнов йўл – "Наврўз" кўчасида хавфсизликни таъминлаш мақсадида светофор ўрнатилди. Туман кенгаши депутати Зулфия Ашурова ўз депутатлик ваколатидан келиб чиқиб, бу муаммо ечимига ҳисса қўшди.

Депутат "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонуннинг 5 ва 8-моддаларига асосан туман ички ишлар бўлими бошлиғига депутатлик сўрови билан чиқди. Сўровда "Наврўз" кўчасининг "Раҳмон фойз" тўйхонаси олдида ўтиб, 38-умумтаълим мактабига йўналган катта йўл қисмида светофор ўрнатиш зарурати қайд этилди.

Ижобий кўриб чиқилди. Натияжада, белги-ланган ҳудудга замонавий светофор ўрнатилди.

Депутат Зулфия Ашурова ушбу ташаббус амалга оширилганидан сўнг, ҳудуд аҳолиси билан учрашиб, уларнинг фикрларини тинглади. Аҳоли ва мактаб ўқувчиларининг ота-оналари светофор ўрнатилганидан мамнун эканликларини билдирди.

Шунингдек, депутат муайян ҳудудлардаги йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича ўз фаолиятини давом эттиришини таъкидлаб, фуқароларни ҳам долзарб масалаларни ўртага ташлашга чақирди.

Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати

XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI
DEPUTATI

2025-yil 27-fevral 23-da-283-25-son Shofirkon tumani

Shofirkon tumani IIB boshlig'i
A. Ismoilova

DEPUTAT SO'ROVI

"Xalq deputatlari viloyati, tumani va shahar Kengashi deputatining maqomi to'g'risida"gi Qonunning 5 va 8-moddalariga muvofiq, Qalmoqon MFY Navro'z ko'chasining serkatnov yo'l qismidagi xavfsizlikni ta'minlash maqsadida yulda yoritilgan katta yo'l qismida yul qismida svetofor o'rnatilishi to'g'risida xalq deputatining maqomiga murojaat qilingan. Xalq deputatining maqomiga murojaat qilingan katta yo'l qismida svetofor o'rnatilishi zarurati qayd etildi.

Deputat: Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi Kodeksning 193-moddasiga ko'ra deputat so'rovini ko'rib chiqmasdan qoldirish yoki ulami ko'rib chiqish muddatlarini uzli sabablariz buzish yoxud ular yuzasidan bila turib noto'g'ri ma'lumotlarni qo'shgan taqdim etish mansabdor shaxslarga buzuvchi hisoblanish muqaddimotini uch baravaridan yetti baravarigacha miqdorida jarima solishga sabab bo'ladi.

Deputat: ASHUROVA ZULFIYA NURULLAYEVNA

Замонавий дунёда рақамли инқилоб нафақат турмуш тарзимизни, балки фикрлаш услубимизни ҳам мутлақо ўзгартириб юборди. Ахборот технологиялари соҳасидаги жадал ривожланиш бутун инсониятни янги имкониятлар, глобал рақобат ва креатив ечимлар сари бошламоқда. Бугунги кунда ёшлар “Қайси соҳани танласам экан?” деб ўйлаш билан чекланиб қолмаяпти. Улар – ўз устуворликларини аниқлаган, дунё бозорига ўз ўрнини топишни мақсад қилган ва бу йўлда тинимсиз изланиш олиб бораётган авлодга айланипти.

Шу нуктан назардан қаралганда, ахборот технологиялари соҳаси – ёшлар учун нафақат келажак касби, балки халқаро майдонда ўз юрти номидан фахр билан фаолият юритиш имкониятини ҳам тақдим этмоқда. Бугунги кунда “Google” сингари йирик техногигантлар билан ҳамкорлик қилаётган ёш ўзбекистонлик мутахассисларнинг борлиги аини шундай мислсиз имкониятларнинг амалий исботидир. Масалан, улардан бирининг номи “Angular” технологияси билан боғлиқ глобал лойиҳаларда тилга олиниб, “Google” томонидан расман “Google Developer Expert” (GDE) сифатида эътироф этилган бўлса-чи?!

Рукимизнинг навбатдаги меҳмони айнан шундай илғор ва йирик технологик компания билан расман тан олинган ҳамкор сифатида фаолият юритувчи биринчи ўзбек мутахассиси Умар Садуллаев бўлди. Сухбат давомида қаҳрамонимиз билан дастурчиликдаги илк қадамлари, ўзбек ёшлари учун маҳаллий ва халқаро имкониятлар, таълим тизимидаги муаммолар ҳамда реал бозор талаблари ҳақида фикр алмашидик.

“Angular” технологиясида биринчи ўзбек “Google” эксперти Умар САДУЛЛАЕВ:

“ИККИ ҲАФТАДА ИШЛАБ ТОПГАН ИЛК ДАРОМАДИМ 200 МИНГ СЎМ БЎЛГАН...”

– Умар ака, яхши биламизки, бугун “Ай-ти” соҳаси энг тез ривожланаётган, шу билан бирга эҳтиёж юқори бўлган йўналишлардан бирига айланди. Қарийб ҳар бир соҳа рақамлаштиришга ўтаётган бир пайтда, дастурчиликни танлашингиз ортида, албатта, ўзига хос бир сабаб бўлса керак. Сухбатни шундан бошлашасиз...

– “Ай-ти” ҳозирги кунда оммабоп йўналишга айланган бўлиши мумкин, аммо мен бу соҳани шов-шувга эргашиб танламаганман. Ҳаммаси дастурчи танишимнинг “бир синаб кўр”, деган тавсияси билан бошланган ва аниқ айта оламаники, бу мен учун янги олам имкониятларини тақдим этди. Эътиборингизни тартарили гап айтмаман: дастурчилик катта даромад топиш мумкинлигига ўша пайтлар ишонмаганман ҳам.


Илк даромадим – 200 000 сўм. Унга эришиш учун икки ҳафта давомида машаққатли меҳнат қилдим. Аммо шу кичик ютуқ катта ўзгаришларга замин яратди. Соҳани чуқур ўрганишни бошладим ва қисқа фурсатда – тахминан бир ярим йилда халқаро компанияда ишлаш имконига эга бўлдим. Интервьюлар инглиз тилида бўлиб ўтди ва мен ўзимни нафақат техник жиҳатдан, балки мулоқот ва муаммо ечиш қобилиятларим бўйича ҳам синаб кўрдим.

Айни мана шу босқич биринчи марта тўлиқ жамоавий муҳитда, халқаро лойиҳалар билан ишлаш имконияти пайдо бўлган пайт – мени профессионал соҳада шакллантирган энг муҳим босқич бўлди. Бу ерда мен нафақат технология, балки тизимли фикрлаш, ҳалол меҳнат ва жамоавий ривожланиш нима эканини англаб етдим.

– Эътиборли томони шундаки, сиз “Angular” технологияси бўйича “Google Developer Expert” сифатида тан олинганиз. Билишимизча, мазкур технология ҳозирги замон веб-ишланмаларининг асосий йўналишларидан бири. Аммо рақамли дунё янги услуб ва технологиялар билан кун сайин такомиллашмоқда. Хўш, бу даражага етишиш ортидаги меҳнат қанчалик машаққатли?

– “Angular” технологияси бошқа тизимларга қараганда камроқ оммалашган. Бунинг асосий сабаби – ўрганиш учун нисбатан кўпроқ вақт ва куч талаб қилинади. Яъни, янги ва салоҳиятли технология бўлса-да, ўзлаштириш учун пухта билим ва тизимли ёндашув керак. Шунданми, кўплаб кичик компаниялар “Angular” мутахассисини топиш ёки мавжуд ходимларга ўргатишда қатор муаммоларга дуч келган. Бу ўз ўрнида, технология оммалашшини кечиктиради. Айтишим мумкинки, бу мени ҳам четлаб ўтмаган. “Angular”ни ўргана бошлаганимда менга ёрдам берувчи маҳаллий ментор йўқ эди.

Бироқ тўхтамасликка сабаблар бўлган. Кундалик машқлар ва мустақил ўрганиш орқали тажриба тўпладим ва бунинг натижасида кўп сонли муаммоларни ҳал қила олдим. “Google” томонидан ушбу жиҳат эътироф этилиб, “GDE” мақоми беришди. Ҳозирги кунда бу мен учун фақат бир технология эмас, балки жамоа билан ишлаш ва билим улаштиришнинг бир шаклига айланган. Мен ҳар бир сессиям, мақолаларим ёки менторлик ёрдами билан бошқаларга тажриба ва билим улаштириш орқали ўзимни ривожлантириш, деб биламан.



– “Josh Developer” ҳамжамияти, “Vektor IT akademiyasi” бошқа таълим лойиҳаларининг орқали 500 га яқин шогирд тайёрлабсиз, ҳозир ҳам ижтимоий тармоқларда минглаб ёшларни соҳага жалб қиласиз... Улар учун контент тайёрлашда нималарга эътибор берасиз?

– Ҳар бир дастурчи учун контент тайёрлашда унинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олади. Агар бошқалар учун билим беришни мақсад қилган бўлса, контентни қандай тарзда, қимлар учун ва нима мақсадда тайёрлаётганини аниқ тушуниш жуда муҳим. Шу боис, мазкур йўналишдаги фаолиятимни асосан профессионал дастурчиларнинг тажрибасини бошқаларга етказишга йўналтирганман. Масалан, каналимда ва ижтимоий тармоқларда доимий равишда турли муваффақиятларни кўлга киритган ёки оммавий тан олинган дастурчилар билан жонли интервьюлар ўтказишни танлайман. Бу контент шакли шогирдлар учун асосий ўқиб олишга айланимоқда.

Менимча, ҳар бир тадбиркор ёки дастурчи учун аниқ йўналишда билимга эга бўлиш ва илмий муҳомадалар орқали кўпроқ маълумот олиши керак. Тадбирлар, жонли суҳбатлар ёки веб-семинарлар кўпроқ натижа беради, чунки бу ерда шогирдлар тўғридан-тўғри савол бериб, жавоб олишлари ва маълумотни ўзлаштиришлари имкон яратилади. Шунингдек, бу турдаги контент ёшлар учун илҳом ва мотивация бўлиб хизмат қилади, уларнинг ўрганиш жараёнига қўшимча рағбат пайдо қилади.

– Ҳозирда “Ай-ти” бизда энг тез ривожланаётган йўналишлардан бири. Хусусий компаниялар, халқаро лойиҳалар ва ҳукумат ташаббуслари бу соҳага катта инвестиция йўналтирмоқда. Аммо ҳамон муҳокама қилинаётган масалалар бор: таълим сифати, стартаплар экотизими, малакали менторларнинг етишмовчилиги. Шу нуқтага назардан, сизнингча, бизда соҳанинг жадал ривожланиши учун яна нималарга эътибор қаратиш керак?

– Бугунги кунда таълим сифати ва стартаплар экотизими алоҳида аҳамият бериш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шундай экан, таълим тизимини замонавий талабларга мослаштириш учун янгилаштириш алоҳида аҳамият касби бўлган менторлик тизимини кучайтириш керак. Малакали ва тажрибали менторлар соҳага янги йўналишлар, муваффақиятли стартаплар ва лойиҳаларни олиб келиши мумкин.

Шунингдек, стартаплар экотизими бўлган инвестицияларни келтириб ўтмасам бўлмайди. Бизда инвестициялар энг камиди 10 000 \$ атрофида бўлса-да, натижа бундан юксак бўлишига умид бор. Бу тўлиқ ривожланиш учун етарли эмас, деб биламан. Яъни ушбу маблағларнинг кўпайиши шунчаки иқтисодий омил ҳисобланмайди, балки самарали инновациялар яратиш, замонавий йўналишларга қадам қўйиш учун асосий шартлардан биридир. Демак, келажакдаги имкониятлар, аини пайтда юқоридаги омилларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади.

Шу ўринда Рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматовнинг “IT Park” орқали амалга ошираётган ислохотларини ҳам алоҳида эътироф этсам. Уларнинг кўлга киритган натижалари ва жадал ҳаракатлари соҳани ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Аммо бундай ислохотларни янада жадаллаштириш, кўпроқ фаол инвесторлар, акселераторлар ва йўналишга қизиқиш билдирган мутахассисларни жалб қилсак, марра янада баланд бўлади. Сабаби, ушбу чоралар соҳани замонавий талаблардан келиб чиқиб ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

– Сизнинг “Mockint.uz” лойиҳангиз дастурчилар фаолияти давомида юзга келадиган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган экан. Хўш, платформанинг бошқа афзалликлари яна нималардан иборат?

– Ижтимоий лойиҳа сифатида ташкил қилинган ва унинг асосий мақсади – дастурчиларнинг муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беришдан иборат. Шу билан бир қаторда пуллик синов интервьюлари орқали дастурчиларнинг чет эл компанияларига ишга жойлашишида ёрдам беради. Лойиҳа пуллик бўлса-да, даромад қилиш имконияти чекланган. Шунинг учун ҳозирда осонлик билан ривожланмаяпти. Молиявий масалалар эса янада катта тўсиқ яратиб турибди, чунки бундай лойиҳалар инвесторларни ўзига жалб қилишда қийинчилик туғдиради.

Мен шундай ижтимоий лойиҳаларга кўпроқ эътибор қаратишни хоҳлардим. Бу платформанинг дастурчиларга ишга жойлашишида ёрдам беришга қаратилган ўзига хос мақсади ҳам бугунги кунда ўзбек “Ай-ти” соҳасининг ривожланишига беvosита боғлиқ. Агар бизга молиявий қўллаб-қувватлаш ва инвесторлар томонидан кўпроқ манфаат кўрсатиладиган бўлса, фақат ишга жойлаштириш билан чекланмаймиз, балки дастурчиларнинг қўлланма ва маслаҳатлар орқали малакасини оширишга ҳам кўмаклашамиз. Натижада кўплаб ўзбек дастурчиларининг профессионал даражасини оширишда катта ютуқларга эришишимиз мумкин.

– Дастурчиликни ўрганиш – фақат университет таълими билан чекланиб қолмайди. Ўзбекистонда расмий таълим муассасалари ҳозирги дастурчилик стандартларига қай даражада мос ўқитиш услубига эга? Сизнингча, соҳа учун рақобатбардор мутахассисларни тайёрлашда қандай инновациялар жорий этилиши лозим?

– Дастурчиликда таълим масаласи – бизда энг оғирлиқ нуқталардан бири. Ўзим шахсан университет ёки ўқув марказидан тўғридан-тўғри етуқ дастурчи бўлиб чиққан инсонни ҳали кўрмадим. Бу таълим муассасалари ёрдамчи восита, холос. Хоҳласангиз улар орқали, хоҳласангиз мустақил ўрганиш – натижа бировга эмас, йиллар давомидаги меҳнатга боғлиқ.

Афсуски, биздаги энг катта муаммо – инглиз тилини билмаслик. Бу соҳада чинакам кучли мутахассис бўлиш учун, аввало, тилни ўрганиш шарт. Чунки дунёдаги энг яхши манбалар, ҳужжатлар, дарсликлар – ҳаммаси инглиз тилида. Университетлар, ўқув марказлари бўлажак дастурчиларга дастлаб шуни тушунириши ва касба тўғри йўналтириши керак.

Хусусий таълим марказларига эса битта тақлим бор: дастурлашни ўргатишдан аввал, бу соҳада нималар кутяпти, қайси қийинчиликлар бор, қанча вақт ва меҳнат талаб этилади – шуларни биринчи дарсдан оқиб-оқиб айтишимиз керак. Афсуски, айрим марказлар “ўн икки ҳафтада дастурчи бўласиз”, “катта маош оласиз” деган ваъдалар билан ёшларни алдаб қўяпти. Натижада шогирднинг бу соҳадан кўнгли совилади, тушунлиққа тушади.

Дастурчиликда муваффақиятга эришиш учун инновация эмас, аввало, тўғри ёндашув, реал манзара ва шижоат керак. Таълим тизими замонавий методикаларни – лойиҳалар асосида ўқитиш, танада тажриба қилиш, soft skill ва problem-solving кўникмаларини ривожлантириш каби усулларни жорий этса, шундангина бозор талабига мос, рақобатбардор мутахассислар етишиб чиқади.

– Рақамли дунё чегара билмас. Энди дастурчилар фақат ўз мамлақати билан чекланмай, халқаро миқёсда ҳам ишламоқда. Биламиз, олдинлари халқаро хорижий етакчи компанияларда ишлаб, танилган ўзбекистонлик “ай-ти” мутахассислари кам эди. Ҳозир-чи? Нима деб ўйлайсиз, Янги Ўзбекистоннинг ёш дастурчилари дунё “Ай-ти” бозорига ўз ўрнини топиши учун қандай кўникмаларни ўзлаштириш зарур?

– Қайд этиш ўринлики, ҳозирда ўзбекистонлик ёш дастурчилар халқаро “ай-ти” бозорининг фаол иштирокчиларига айланиб борапти. Мен ишлаган Америка, Буюк Британия, Германия ва Мексика каби мамлакатлардаги компаниялар ўзларига нафақат мутахассисларни, балки профессионал ва иккундий фикрлашга эга бўлган одамларни жалб қилишди. Тажрибага таянсам, турли давлатдаги мутахассислар билан ишлашни жуда қадри, деб ҳисоблаган бўлардим. Ахир у ердаги жамоалар билан ишлаш орқали турли халқлар маданияти билан танишасиз, турфа хил, фойдали билимларни ўзлаштириш имкони пайдо бўлади.

Шундан келиб чиқиб, ўзбек ёшлари учун халқаро миқёсда ўз ўрнини топишда фақат техник билимлар етарли бўлмаслигини, жумладан, конструктив мулоқот қилиш, ишга боғлиқ қарорларни тизимли қабул қилиш, креатив фикрлаш ва ўз қарашларини ишонч билан баён қилиш муҳим аҳамията эга эканини эслатиш керак.

Масалан, ўзингизга ишонгандек, ҳар бир ишда “компанияга ўзингизни бағишлаш” муҳим. Яъни, бир киши ҳамма учун. Бу, албатта, профессионал билимлар билан боғлиқ эмас, балки ишлаш маданияти, коммуникация ва жамоадошлар фикрларига эътибор берган ҳолда, ўз позициянгизни ишонч билан баён этиш ва ҳар қандай муаммога тезда ечим топиш каби жиҳатларда ўзингизни кўрсатишнинг лозими. Дастурчи нафақат код ёзиш, балки иш муҳитида ҳам ўзини намоён қилиш, ташкилотга қўшила олиш ва дунёвий фикр билан янгиликлар ишлаб чиқиш каби кўникмаларни ҳам ривожлантира олгандагина халқаро бозорда ўз ўрнига эга бўлади, деб ўйлайман.

– Халқаро лойиҳалар билан кўп ишлайсизми ёки аксинча? Нима деб ўйлайсиз, бугун бошлангич даражадаги ўзбек дастурчилари маҳаллий даражада яхши даромад топа оляптими? Бозор имкониятлари қандай?

– Компаниялар билан тузилган махфийлик шартномаси туфайли шахсий даромадимни очиклаш мумкин эмас. Бироқ айтай ўтиш жоизки, менинг даражадаги тажрибали дастурчилар ҳозирда ўртача 2000-4000 доллар атрофида ойлик маош олишмоқда. Лекин бу рақамлар йигит-қизларимизни дастурчилик соҳасига шунчаки пул учун қилишга ундамаслиги керак. Чунки бу даражага етиб келиш осон бўлмайди.

Менимча, дастурчилик – бу узоқ ва сабр-тоқат талаб қилувчи йўл. Одам аввалига анча оғир шароитларда, кам маблағга ишлашга, баъзида эса уринишларининг натижа бермаслигига тайёр бўлиши керак. Ҳар кимнинг омади ҳам дарров чопавермайди. Бу соҳада юқори маошга олиб келадиган натижаларнинг ортида йиллаб меҳнат, куну тун ўқиш, амалиёт ва йўқотишлар ҳам туради.

Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, аини пайтда бозор имкониятлари анча очик. Халқаро лойиҳалар билан ишлаш орқали даромаднинг сезиларли ошириш мумкин. Аммо маҳаллий компаниялар ҳам сунгги йилларда дастурчиларнинг қадрини англаб, яхши маош тақлим қилишга ҳаракат қилишяпти. Бошлангич даражадаги дастурчилар эса асосий эътиборни даромадга эмас, билим ва амалиётга қаратишса, вақт ўтиб, бозорда ўз ўрнига эга бўладиган ва муносиб даромад оладиган мутахассисга айланишди.

– Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур!

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ
суҳбатлашди



Улуғ олмон адиби Гётеннинг қизик бир одати бўлган: у баҳорда доим чўнтақларини гулларнинг уруғига тўлдириб юрган ва қаерда юрса уларни йўл четига сепган. У вафот этганидан ундан гулларга бурканган кўплаб йўлаклар қолган, яъни Гёте юрган Германия йўлаклари четиди ҳаммиса гўзал гуллар очилиб турган.

Ибрат

Бировга яхшилик қилсам кўп хурсанд бўламан, лекин адолатсизлик ўрнига адолат ўрнатиш буюк бир бахтдир.

“Худо ҳеч қачон учта бўлмайди”, деганим учун мендан бугун черков ҳам юз ўғирди.

“Болаларим менинг обрўйим билан яшашига ҳақли эмаслар”, деганим учун оиламда “тентак чол”га айландим. Келажак авлод мен ҳақимда бирор бир фикр билдирадиган бўлса, уларга Толстойни “Муҳаммадчи”, деб таништиринг. Бундан бошқа исм менга бегона.



Лев ТОЛСТОЙ

ADOLAT logo and contact information. Includes QR code, subscription rates, and address details.